

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»



85/1 - сонли

2019 йил «18» май

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Раисининг биринчи ўринбосари

Т.А. Ишметов

«Tenge Bank» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИ

«Tenge Bank» Акциядорлик тижорат банки
ягона таъсисчиси «Қозоғистон Халқ жамғарма
банки» Акциядорлик жамияти томонидан
2019 йил «2» апрелда (20-сонли баённома
билан)

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Қозоғистон Халқ жамғарма банки»
Акциядорлик жамияти Бошқарув Раиси

У.Б. Шаяхметова

«Tenge Bank» Акциядорлик тижорат
банки Кенгаши Раиси

М.У. Кошенов



ТОШКЕНТ – 2019 й.

I. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1. Ушбу Устав «Tenge Bank» Акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – Банк) макоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқук ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартиби, шунингдек, амалга оширадиган операцияларини белгилайди.

2. Банк кредит ташкилоти бўлиб, акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритади. Банк Таъсисчининг 2018 йил 6 сентабрдаги 67-сонли қарори билан ташкил этилган ва унинг шўба банки ҳисобланади.

Банкнинг ягона таъсисчиси (акциядори) - «Қозоғистон Халқ жамғарма банки» Акциядорлик жамияти ҳисобланади.

3. Банк ўзининг, ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган, тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига, эмблемасига (тимсолига), шунингдек, давлат тилида тўлиқ фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган манзили кўрсатилган думалок муҳрга эга. Банкнинг думалок муҳрида қўшимча равишда Банкнинг бошқа тилдаги номи ва эмблемаси кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, Банк ўз номи кўрсатилган штамп ва бланklar, ўзининг эмблемасини ва визуал идентификациялашнинг бошқа воситаларига эга бўлиши мумкин.

4. Банкнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида:

кирилл ёзувида: «Tenge Bank» Акциядорлик тижорат банки;

лотин ёзувида: «Tenge Bank» Aksiyadorlik tijorat banki;

рус тилида: Акционерный коммерческий банк «Tenge Bank»;

инглиз тилида: Joint-Stock Commercial Bank «Tenge Bank».

Банкнинг қисқартирилган номи:

кирилл ёзувида: «Tenge Bank» АТБ;

лотин ёзувида: «Tenge Bank» АТБ;

рус тилида: АКБ «Tenge Bank»;

инглиз тилида: JSCB «Tenge Bank».

5. Банк белгиланган тартибда бошқа юридик шахслар устав жамғармасида (капиталида) таъсисчи бўлиши ёки бошқа шаклларда иштирок этиши, юридик шахс ҳуқуқини бермасдан, қонунчиликда кўзда тутилган ва ушбу Уставда белгиланган тартиб доирасида ҳақ-ҳуқуқлар билан таъминлаган ҳолда ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этишга ҳақли.

Филиаллар ўз фаолиятини Банк номидан, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширади. Банк ўз филиаллари фаолиятига жавобгардир. Филиал бошқарувчилари Банк томонидан берилган ишончномаларга асосан ҳаракат қилади. Банк номидан ишончномаларни Банк Бошқаруви Раиси ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс беради.

Банк давлатнинг ташқарисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – Марказий банк) рухсати билан ўз филиалларини ташкил этиши ва ваколатхоналарни очиши мумкин. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси ташқарисида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш филиаллар ёки ваколатхоналар жойлашган манзилидаги давлатнинг қонунчилигига асосан амалга оширилади.

Филиал ёки ваколатхонага берилган Банк мол-мулки Банк балансида ҳисобга олинади.

6. Банк маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз миқдорлари ва омонатчилари олдида жавобгардир.

7. Таъсисчи (акциядор) Банк мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар хавф-хатарини ўзига тегишли акциялар қиймати доирасида зиммасига олади.

Банк ўз таъсисчиси (акциядори) мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

Банк давлат мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмагандек, давлат ҳам Банк мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

8. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган.

Банкнинг жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100007, Тошкент ш., Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 66-сонли уй.

Электрон почта манзили: info@tengebank.uz.

Веб-сайти: www.tengebank.uz.

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

9. Банкни ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини омонатларга жалб этиш, ушбу жалб этилган маблағлардан кредит ажратиш ёки инвестицияларни амалга ошириш, тўловларни ўтказиш, шунингдек, шу фаолият билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш орқали даромад олиш учун фойдаланишдир.

10. Банк аҳоли, корхона, ташкилот, кредит ва молиявий институтларнинг, шу жумладан норезидент шахсларнинг, бўш пул маблағларини жалб қилади ва уларни талаб қилиб олгунча, жамғарма, муддатли ҳисобварақларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ва мажбуриятлар ҳисобварақларида сақлайди.

11. Банк ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидаги банк операцияларини бажаради:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз номидан кредитлар бериш;

мблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд ва нақд бўлмаган пул шаклларида ички валюта бозорида ҳамда халқаро пул бозорларида сотиб олиш ва сотиш;

пул маблағларини, векселларни, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларининг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандикларни ижарага бериш;

ҳалқаро банк амалиётига мувофиқ хорижий валютада кредитлар, депозитлар, жамғармалар ва бошқа шаклларда маблағлар жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда ўз маблағлари доирасида миждозлари фойдасига хорижий валютада кафолатлар бериш;

молиявий лизинг;

микроқарз бериш;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда алоҳида кўрсатилган бошқа банк операциялари.

12. Банк бевосита ўзи ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

13. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан берилган лицензияга асосан амалга оширади.

14. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, идоралар ва фуқароларга муддатлилиги, қайтарилиши, таъминланганлилиги, мақсадли фойдаланиш ва фойзлилиги тамойилларга асосланиб, сўм ва чет эл валютасида кредитлар ажратади.

Банк томонидан ажратилган кредитлар, одатда, амалдаги қонунчиликка асосан даъво қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк гарови, шуниндек, кафолатлар, кафилликлар ва бошқа банк амалиётида қабул қилинган мажбуриятлар турлари билан таъминланади. Банк ушбу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятлар етарлигини ўз кредит сиёсати ҳамда Марказий банк қоидалари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда аниқлайди.

15. Банк Марказий банк томонидан ўрнатилган қоидаларга биноан, Марказий банк томонидан берилган банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясига асосан чет эл валютасида операциялари амалга оширишга ҳақли.

16. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятини амалга ошириши мумкин.

III. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

17. Банк устав капитали акциядорлари (Банк таъсисчиси) харид қилган Банк акциялари номинал қийматидан иборат бўлиб, бу қиймат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади ва унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган Банк мол-мулкнинг энг кам миқдорини белгилайди.

18. Банкнинг устав капитали 23 600 000 (йигирма уч миллион олти юз минг) дона, ҳар бир донасининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўмга тенг бўлган оддий номи ёзилган ҳужжатсиз акциялардан ташкил топган ва 118 000 000 000 (бир юз ўн саккиз миллиард) сўмни ташкил қилади.

19. Банк акцияларининг улар жойлаштирилиши вақтида тўланиши фақат пул маблағлари билан амалга оширилиши мумкин.

20. Банк устав капиталини кўпайтириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Уставга асосан эълон қилинган акцияларнинг белгиланган миқдори доирасида амалга оширилади.

21. Банк устав капиталини кўпайтириш, шунингдек, Банк устав капиталини кўпайтириш муносабати билан ушбу Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор Банк ягона таъсисчиси (акциядори) томонидан қабул қилинади.

Банк томонидан қўшимча акциялар жойлаштирилиши фақат Банк Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасида амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш орқали кўпайтириш тўғрисидаги қарори билан қўшимча жойлаштириладиган оддий акциялар миқдори, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шу жумладан қўшимча жойлаштириладиган акцияларнинг нархи белгиланиши лозим.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Банк устав капиталини кўпайтирилиши жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати ҳажмида рўйхатга олинади. Шу билан бирга ушбу Уставда кўрсатилган эълон қилинган акциялар миқдори жойлаштирилган қўшимча акциялар миқдorigа камайтирилиши лозим.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш орқали кўпайтириш Банкнинг ўз капитали ҳамда ҳисобланган дивидендлар ҳисобига қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши Банкнинг ўз капитали ҳисобига амалга оширилса ушбу акциялар ягона таъсисчи (акциядор) эгалигига ўтади. Банк устав капиталини кўпайтириш натижасида кўпайтириш миқдорининг бир дона акциянинг номинал қийматига мақбуллиги таъминланмаса, бундай оширишга йўл қўйилмайди.

22. Банк устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, жумладан, Банк акцияларининг бир қисmini сотиб олиш ва кейинчалик уларни бекор қилиш йўллари билан камайтирилиши мумкин.

Агар Банк устав капитали камайтириш натижасида унинг ҳажми Банк Уставига кириталаётган ўзгартишлар рўйхатдан ўтказиш санасига қонунчиликда белгиланган банк устав капиталининг энг кам миқдоридан пасайиб кетса, Банк бундай устав капиталининг камайтиришга ҳақли эмас.

Устав капиталини камайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор ягона таъсисчи (акциядор) томонидан қабул қилинади. Устав капиталнинг каматириш тўғрисида қарор қабул қилганда, ягона таъсисчи (акциядор) устав капиталини камайтиришнинг сабабларини кўрсатади ва унинг камайтириш тартибини белгилайди.

23. Банк акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга, шу билан бирга акцияларни ёпик обуна йўли билан жойлаштиришга ҳақлидир.

Жойлаштириладиган акцияларнинг миқдори акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган ҳажмидан ошмаслиги лозим.

Банк томонидан қўшимча акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштириш муддати уларнинг чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бир йил муддатидан ошмаслиги керак.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

24. Банк, банк амалиётларини бажариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақилдир.

25. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депозитлар ва берилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларни мустақил равишда белгилаш;

шартномавий шартларга асосан бошқа банклардан депозит ва кредитлар кўринишида маблағлар жалб этиш ва бошқа банкларда маблағлар жойлаштириш;

яратиладиган ҳисоб-китоб ва корреспондентлик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китоб қилиш;

Банк амалиётлари бўйича комиссиян мукофотлар ҳажмини мустақил белгилаш;

Банк барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаб бўлгандан сўнг қолган соф фойдаси ҳисобига захира ва жамғармалар ташкил этиш;

ўзининг молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, лицензияда ва ушбу Уставда кўзда тутилган бошқа ҳаракат ва операцияларни амалга ошириш.

26. Банк мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

Марказий банкда маблағларни захира сифатида сақлаш ва ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя қилиш бўйича Марказий банк белгиллаган талабларни бажариш;

Марказий банк белгиллаган ҳажм ва тартибда кредитлар ва лизинглар бўйича бўлиши мумкин бўлган йўқотишларга қарши захиралар яратиш;

Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;

гаров (шу жумладан мол-мулк шаклида), тақдим этилаётган қафолатлар, кафиллик ва мажбуриятлар етарлигини ҳисобга оладиган ажратиладиган кредитлар таъминлашнинг ички меъёрий талабларини ўрнатиш;

Марказий банк белгиллаган тартибда ўз фаолияти тўғрисида маълумотларни ошкор этиш;

Банкда ички аудит хизматини мавжудлигини таъминлаш;

ўз миқозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатлари бўйича сир сақланишини таъминлаш;

“тенглик” тамойилига риоя қилиш, яъни барча миқозлар билан тенг муносабатда бўлиш.

27. Банк ўз миқозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига қафолат беради. Банк сирига оид бўлган маълумотлар миқозларнинг (вакилларнинг) ўзига, уларнинг қонуний вакилларига ва бошқа шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

V. БАНК АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

28. Таъсисчи (акциядор) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

ўзи бўйича депозитарийдаги депо ҳисобдан кўчирма олиш;
Банк даромадининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш;
Банк тугатилганда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
умумий йиғилиш ваколатига кирадиган қарорлар қабул қилиш йўли билан
Банкни бошқаришда иштирок этиш;
белгиланган тартибда Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида
тўлиқ ва ишончли маълумот олиш;
олинган дивидендлардан эркин фойдаланиш;
қонунчиликда белгиланган ҳолатларда у эгалик қилаётган акцияларнинг бир
қисмини Банк томонидан олишни талаб қилиш;
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида,
шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
қонунчиликда кўрсатилган тартибда унга етказилган зарарларни қоплаб олиш;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ассоциациялар ва
бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга аъзо бўлиш;
қимматли қоғозларни харид қилишда эҳтимолий зарар ёки даромаднинг бир
қисмини йўқотиш хавфи билан боғлиқ хатарларни суғурталаш;
Банк фаолияти тўғрисида зарур маълумотларни талаб қилиш, банк сири ва
махфий ахборотларга оид маълумотлар бундан мустасно.
Ягона таъсисчи (акциядор) амалдаги қонунчилик ҳамда ушбу Уставга мувофиқ
бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

29. Ягона таъсисчининг (акциядорнинг) мажбуриятларига қуйидагилар киради:
унинг акцияларига эгалик ҳуқуқи ҳисобини юритиш хизматларини кўрсатаётган
депозитарийни ўз маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;
банк сири ва махфий ахборотларга оид маълумотларни ошкор қилмаслик;
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда ушбу Уставда кўзда
тутилган бошқа мажбуриятларни ижро этиш.

VI. БАНКНИНГ СОФ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ. ДИВИДЕНДЛАР.

30. Дивиденд Банк соф фойдасининг таъсисчи (акциядор) томонидан
тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд Банкнинг ягона таъсисчиси (акциядори) қарорига кўра пул маблағлари
ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан
тўланиши мумкин.

31. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлай олмайди ва акциялар бўйича
дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қила олмайди:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб
бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд
бўлса ёки Банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва
захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Банк ҳисобланган дивидендларни ягона
таъсисчига (акциядорга) тўлаши шарт.

32. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Банкнинг ягона таъсисчиси (акциядори) томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

33. Банк эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланғич ва якуний саналари белгиланган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

34. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган йиғилишни ўтказиш (таъсисчи (акциядор) томонидан қарор қабул қилиш) учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

35. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

VII. БАНКНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

36. Банк ўз устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизига тенг захира фондини шакллантиради.

Банкнинг захира фонди соф фойданинг 5 (беш) фоизи миқдоридаги ҳар йилги мажбурий ажратмалар йўли билан ушбу Уставда кўрсатилган ҳажмга етгунга қадар шакллантирилади.

37. Банк захира капитали таркибида сифати «стандарт» деб таснифланган активлар учун шундай таснифланган активлар қайтарилмаган асосий қарз (қолдик) суммасининг 1 (бир) фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

38. Банкнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш, шунингдек, Банк корпоратив облигацияларини муомиладан чиқариш, Банк акцияларини, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, сотиб олиш учун мўлжалланган.

39. Банк Марказий банкда мажбурий захираларини сақлаши шарт. Мажбурий захиралар нормативи Марказий банк томонидан белгиланади.

VIII. БАНКНИ БОШҚАРИШ

40. Банк бошқаруви органларига қуйидагилар киради:

Ягона таъсисчи (акциядор);

Банк Кенгаши;

Банк Бошқаруви.

Банк Кенгаши ва Бошқаруви ушбу Устав, ягона таъсисчининг (акциядорнинг) қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан берилган ваколатлар доирасида Банкнинг фаолиятини бошқаришади.

Банк фаолияти ва мижозлар жалб қилишни самарали ташкил этиш, бошқарув органлари ва меҳнат жамоанинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Корпоратив бошқаруви кодекси ва бошқа Банкнинг ички хужжатларига асосан амалга оширилади.

Ягона таъсисчи (акциядор)

40.1. Ягона таъсисчи (акциядор) Банкнинг юқори бошқарув органидир.

40.1.1. Ягона таъсисчининг (акциядорнинг) ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- 1) Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги қарордаги Уставини тасдиқлаш;
- 2) Банкни қайта ташкил этиш;
- 3) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда қарорлиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 4) Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 5) Банк акцияларини чиқариш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- 6) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 7) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш;
- 8) Банкнинг устав капиталини камайитириш;
- 9) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 10) аудиторлик ташкилотни ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 11) Бошқарувни тузиш, Банк Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Банк Бошқарувини мукофотлаш тартибини белгилаш;
- 12) Банк Бошқарувига ҳақ ва компенсацияларни тўлаш миқдорларини белгилаш;
- 13) Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 14) Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви, Тафтиш комиссияси, Банк Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва бошқа Банкнинг юқори бошқарув органи ваколатига кирадиган низомларни тасдиқлаш, ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 15) йиллик ҳисоботни, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;
- 16) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- 17) Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини уларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу

жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан, эшитиш;

18) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар, бошқа эмиссиявий қоғозлар ва сертификатлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкка алоқадор (аффилиланган) бўлган шахслар билан битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

22) мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23) Банк Кенгаши ва Банк Бошқарувининг ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари, улар Банк стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларини қўриб чиқиш;

24) хайрия, спонсорлик ва бегараз ёрдам қўрсатиш ва уларнинг шартлари бўйича қарорлар қабул қилиш;

25) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

40.1.2. Банк ҳар йили, молиявий йил тугагандан эътиборан олти ойдан кечикмасдан йил ҳисобларини ясаш лозим.

40.1.3. Ягона таъсисчи (акциядор) қабул қилган қарорлар ёзма равишда қарор шаклида расмийлаштирилади.

Банк Кенгаши

40.2. Банк Кенгаши Банкнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ушбу Устав билан ягона таъсисчининг (акциядорнинг) ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

40.2.1. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

1) замонавий, халқаро тажрибага мос келадиган Банкни бошқариш услубларини жорий қилиш, моддий-техника, молия ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти ҳисоблари бўйича ягона таъсисчи (акциядор) қўриб чиқиши ва тасдиқлаши лозим бўлган масалаларни киритиш;

3) ягона таъсисчи (акциядор) қўриб чиқиши учун қуйидаги масалалар бўйича тавсиялар киритиш:

- Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида;
- Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида;
- фойда ва зарарларни тақсимлаш тўғрисида;

- Бошқарувни тузиш, Банк Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Банк Бошқарувини мукофотлаш тартибини белгилаш тўғрисида;

- Банк Тафтиш комиссияси ва Банк Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори тўғрисида;

- дивиденднинг миқдори, унинг тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида;

4) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

5) Банкнинг ички сиёсатлари ва Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

6) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

7) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

8) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш, уларнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9) мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача ташкил этган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

10) Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

11) Банкка алоқадор (аффилланган) бўлган шахслар билан битимлар тузишни қилишиш, шундай битимлар тузиш тўғрисидаги қарорни ягона таъсисчи (акциядор) қабул қиладиган ҳоллар бундан мустасно;

12) Банк маблағларини инвестициялаш бўйича қарор қилиш, кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ битимлар бўйича қилишиш;

13) Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиаллари фаолиятини белгиладиган ички актларни тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ушбу Устав билан ягона таъсисчи (акциядор) ва Бошқарув томонидан қабул қилиниши (тасдиқланиши) уларнинг ваколатига киритилган ички актлар бундан мустасно;

14) Банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан ёки унинг топшириғи бўйича маъсул шахслардан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

15) комитетларни ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ушбу Устав, Банк Кенгаши тўғрисидаги низом, ягона таъсисчи (акциядор) қарорлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан Банк Кенгаши ваколат доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

40.2.2. Банк Кенгашининг мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

ўз ваколатларини Банк акциядорларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

Банкнинг малакали бошқарувини таъминлаш;

Банк Бошқаруви билан биргаликда Банкнинг узок муддатли ва киска муддатли бизнес-режаларини ишлаб чиқиш;

Банкнинг жорий фаолиятини, кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларни химоя қилиш мақсадида);

Банкнинг монанд капиталлашувини саклаб бориш;

Банк фаолиятининг стратегиясини шакллантириб бориш;

Банк даромадлилигини кузатиб бориш;

ички аудит хизматининг фаолиятини ташкил этиш;

конуний, хавфсиз ва эҳтиёткор банк фаолиятини амалга ошириш учун мантиқли операцион ва ички сиёсатларни қабул қилиш, шуниндек уларнинг ижроси устидан назорат юритиш;

камида бир чоракда бир марта Банк фаолияти натижалари бўйича ҳисоботлар яшатиш;

етарли назорат ҳамда Банк сиёсатлари ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқлигини таъминлаш учун банк амалиётлари устидан назорат юритиш;

корпоратив бошқаруви бўйича белгиланган конунчилик талабларига риоя этиш бўйича ҳисобот тақдим этиш.

40.2.3. Банк Кенгаши 5 кишидан иборат бўлиб сайланади. Банк Кенгашининг аъзолари ягона таъсисчи (акциядор) томонидан бир йил муддатга сайланади. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари ва Банк Бошқаруви Раиси, шуниндек меҳнат шартномаси бўйича Банкда ишлаётган шахслар Банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларида ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам Банк Кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

40.2.4. Банк Кенгашининг Раиси Банк Кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, унинг таркибидан Банк Кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

40.2.5. Банк Кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Банк Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, Банк Кенгаши мажлислари баённомаларининг юритилишини таъминлайди.

Банк Кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

40.2.6. Банк Кенгашининг мажлиси Банк Кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кенгаши, Банк Тафтиш комиссияси, Банк Бошқарувининг аъзоси, Банкнинг ягона таъсисчиси (акциядори), ички аудит хизмати раҳбари, ташқи аудиторининг талабига кўра чақирилади.

Банк Кенгаши камида бир ойида бир марта чақирилади.

40.2.7. Банк Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банк Кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда кўзда тутилган сонининг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлиб қолган ҳолда, ягона таъсисчи (акциядор) томонидан Банк Кенгашининг янги таркиби сайланади.

40.2.8. Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қуйида кўрсатилган:

- сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинган;

- агар мол-мулкнинг баланс қиймати ёки мол-мулкнинг олиш қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача ташкил этган йирик битимни тузиш тўғрисидаги;

- алоқадор (аффилиланган) бўлган шахслар билан битимлар тузишни маъқуллаш тўғрисидаги қарорлар истисно ҳолда бир овоздан қабул қилинади.

40.2.9. Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади.

Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк Бошқарувига ҳаро этиш учун топширилади.

Банк Бошқаруви

40.3. Банк Бошқаруви коллегиял ижроий орган ҳисобланади ва Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви Раис томонидан бошқарилади.

Банк Бошқаруви қонунчилик ва Банк Устави билан ягона таъсисчи (акциядор) ва Банк Кенгаши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этишга ҳақли эмас.

Банк Бошқаруви Банк Кенгаши ва ягона таъсисчига (акциядорга) ҳисобдордир.

40.3.1. Банк Бошқаруви 3 кишидан иборатдир. Банк Бошқаруви таркибига Раис ва унинг ўринбосарлари қиради.

40.3.2. Банк Бошқаруви аъзолари лавозимига бир йил муддатга тайинланади.

40.3.3. Банк Бошқарувининг ваколатига Банк қундалиқ фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ўшбу Устав ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари билан ягона таъсисчи (акциядор) ва Банк Кенгаши ваколатлар доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

40.3.4. Банк Бошқаруви:

- 1) ягона таъсисчи (акциядор) ва Банк Кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

- 2) Банк таркибий бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштиради, техник, молия ва меҳнат ресурслари асосида қабул қилинган Банк корпоратив бошқарувининг ҳуқуқий усуллари жорий қилади, омонатлар ва инвестициялар жалб қилиш учун чоралар кўради, раҳбар ходимларнинг тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ҳисослашган ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этади;

- 3) Банк қоидалари, процедуралари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги ҳужжатлари ва бошқа ички актларни тасдиқлайди, тасдиқланиши ягона таъсисчи (акциядор) ва Банк Кенгаши ваколатлар доирасига киритилган ички актлар бундан мустасно;

4) Банк Бошқаруви қошида комитетлар ташкил қилади ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

5) Банкнинг кундалик фаолиятига оид масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

6) ички аудит ўтказилиш ва Тафтиш комиссияси ишлаш жараёнида аниқланган камчиликларни кўриб чиқади ва бартараф этиш чораларини кўради;

7) ички аудит текширувининг яқунлари ва Марказий банк инспекциясининг (текширувларининг) ҳисоботларини батафсил таҳлил қилади;

8) Банк фаолиятини бошқариш сиёсатлари, жумладан кредит, инвестицион, эмиссия, ликвидликни бошқариш сиёсатларини ишлаб чиқиш бўйича чораларни амалга оширади;

9) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, ушбу Устав, Банк Бошқаруви тўғрисидаги низом ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан Банк Бошқаруви ваколатлар доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал этади.

40.3.5. Банк Бошқарувининг мажлиси унда Банк Бошқаруви аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этса ваколатли деб ҳисобланади.

Банк Бошқарувининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Банк Бошқаруви аъзолари Банк Бошқарувининг қарори билан рози бўлмаган ҳолда ўз фикрини Банк Кенгашига етказиши мумкин.

40.3.6. Банк Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Банк Бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари талабига кўра уларга берилади.

Банк Бошқаруви мажлисларининг ўтказишини Бошқарув Раиси ташкил этади, у Банк номидан барча ҳужжатларни ҳамда Банк Бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Банк Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Банк номидан ишончномасиз иш юритади.

40.3.7. Ягона таъсисчи (акциядор) Банк Бошқаруви Раиси, аъзолари билан шартномани, агар улар меҳнат шартнома шартларини бузса, ушбу Уставни кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

40.3.8. Банк Бошқаруви Раиси:

ягона таъсисчи (акциядор) ва Банк Кенгаши қарорларининг ижросини таъминлайди;

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Банк манфаатларини ҳифоф этади;

ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган шартловлар доирасида Банкнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Банкнинг Бош офиси, филиаллари ва ваколатхоналарининг штат жадвали ва ходимлар сонини тасдиқлайди;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган барча ички ҳужжатларни имзолайди;

узининг ваколатига қирадиган битимлар ва турли ҳаракатларни амалга оширишга ишончномалар беради;

банкларда вакиллик, валюта, ҳисоб-китоб ва бошқа Банкнинг ҳисобварақларини очади;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил этади;

ҳодимларни, шу жумладан бўлинмалар, филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонунчилик, ушбу Устав, ягона таъсисчи (акциядор). Банк Кенгаши томонидан белгилаб берилган тартибда Банк ишчиларини мукофотлайди, ҳамда уларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортади;

Банкнинг барча ишчилари учун ижроси мажбур бўлган буйруқ ва кўрсатмалар чиқаради;

Банк бошқариш ва назорат органлари фаолиятининг ташкилий-техник таъминотини амалга оширади;

қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Банкнинг қундалик фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал этади.

IX. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАРИ

41. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Бошқаруви зиммасида бўлади.

42. Банкнинг молиявий ҳисоботларида кўрсатилган ва ягона таъсисчига (акциядорга) тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкрий манфаатлари Банк ёки унинг акциядори билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак (кейинги ўринларда – мустақил аудит ташкилоти).

43. Банкнинг йиллик ҳисоботи ягона таъсисчи (акциядор) йиллик ҳисоботни тасдиқлаши санасидан ўн кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

44. Банкнинг операцион йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

X. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

45. Банкнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун ягона таъсисчи (акциядор) қарори билан 3 кишидан иборат Банк Тафтиш комиссияси сайланади.

Банк Тафтиш комиссияси бир йил муддатга, унинг аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқи билан, сайланади. Айни бир шахс Банкнинг Тафтиш комиссияси таркибига қетма-қет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, Банк бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши, шунингдек меҳнат шартномаси бўйича Банкда ишлаши мумкин эмас.

Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малакавий талаблари, Банк Тафтиш комиссиясининг ваколати ва фаолият кўрсатиш тартиби қонунчилик, ушбу Устав ва

ягона таъсисчи (акциядор) томонидан тасдиқланадиган Банк Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Банк Тафтиш комиссияси ташаббуси, ягона таъсисчининг (акциядорнинг) қарори, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Банк Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи ҳисоб-китоб-хукукий актларга риоя этилиши, ички назоратнинг самарадорлиги, Банк томонидан амалга оширилган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операциялари (ялпи ёки танлов асосида текширув), Банк кассасидаги пул маблағлар ва бошқа мол-мулкларнинг бутлиги, Банк томонидан тайёрланган молиявий ахборотлар ишончилигини текширади, Банкнинг умумий молиявий ҳолати бўйича хулоса ва комиссия иши натижалари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Банк Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Банкнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Банк Тафтиш комиссияси Банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

46. Банк мустақил таркибий бўлинма бўлмиш ички аудит хизматини ташкил этади, у, фаолият йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган аудиторлик дастурларига асосланиб, қонун ҳужжатларига, Банкнинг таъсис ва бошқа ички ҳужжатларига риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа ички ҳужжатларнинг банк фаолиятига доир хусусиятларга риоя этилишини текшируви (аудит) ҳамда мониторингини олиб боради, ҳамда банк амалиётларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш масалалари бўйича Банк Кенгашига маслаҳат беради.

Банк ички аудит хизмати Банк Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати текширув ва мониторинг якунлари бўйича ўзининг ҳисоботида аудит мақсадлари ва объектлари, ички аудит миқёси, аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича маълумотларни, шунингдек ҳар бир муаммоли соҳа бўйича батафсил тавсияларини киритади.

Тавсияларда аниқланган камчиликларнинг қисқа тавсифи, талаб этиладиган ўзгариш чораларини акс эттирилиши, ўзгариш чора-тадбирларни амалга ошириш учун бевосита маъсул шахслар ва унга зарур бўлган муддатлар кўрсатилиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимларининг ҳисоботлари бевосита Банк Кенгаши ва Аудит қумитасига тақдим этилиши лозим. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари Банк Бошқаруви ва алоҳида бўлинмалар бошлиқларига (ушбу бўлинмага тегишли бўлган қисмида) берилиши керак.

Ички аудит хизмати Банк Кенгаши томонидан шакллантирилади ва унга ҳисобдордир.

47. Банкнинг фаолияти Марказий банк сертификатига эга бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит текширувларнинг мақсади:

Банкнинг молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги ва уларни Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига тўғри келиши;

ички назорат тизимини ташкил этилганлиги ва ички назорат процедураларига риоя этилиши;

Банк томонидан банк қонунчилиги ва Марказий банкнинг меъёрий актларига риоя этилиши;

Банк томонидан амалга оширилаётган операциялари, унинг молиявий фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва маъмурий назорат тизимининг самарадорлиги ва ўзаро муносаббатлиги бўйича аудиторларнинг ҳолис фикрини олиш деб ҳисобланади.

Аудит ташкилоти Банк фаолиятини текшириш натижасида молиявий ҳисоботларни ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди (ёки тасдиқламайди), ҳамда йиллик ҳисоботларга илова қилинадиган аудиторлик хулосаларни тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги ҳолатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

XI. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

48. Банкни қайта ташкил этиш ягона таъсисчи (акциядор) қарорига кўра Марказий банк руҳсати билан амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чикариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Банк қайта ташкил этилишида мажбурий руҳсат берувчи талаблари ва шартларига қуйидагилар қиради:

қайта ташкил этиш натижасида депозиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланганлиги;

қайта ташкил этиш натижасида ҳам янги ташкил этилаётган, ҳам қолаётган Банк томонидан Марказий банк ўрнатган иқтисодий меъёрлар ва бошқа мажбурий бўлган меъёр ва лимитларга риоя этилиши;

қайта ташкил этиш натижасида янги пайдо бўлаётган Банкнинг шакллантирилган устав капиталини Марказий банк томонидан белгиланган энг кам миқдори талабларига жавоб бериши;

қайта ташкил этиш натижасида янги пайдо бўлаётган Банкни Марказий банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун талабларига мувофиқлиги;

қайта ташкил этиш доирасида рақобат тўғрисидаги қонунчиликка оид талабларга риоя этилиши;

топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида қайта ташкил этилаётган Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислиги тўғрисида шартлари мавжудлиги.

49. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилиши (ўз фаолиятини тўхтатиши) мумкин:

ягона таъсисчининг (акциядорнинг) қарорига қўра:

Марказий банк лицензияни қақриб олганида:

у банкрот деб эълон қилинганида.

Банкни тугатиш жараёни Марказий банк Бошқарувининг лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарори чиққан кундан бошланган деб ҳисобланади.

Тугатиш жараёнининг мақсади Банк омонатчилари ва кредиторларининг барча талабларини тезкор қондиришдир.

Тугатувчи (тугатиш комиссияси) тайинланган вақтдан унга Банкнинг барча қарзларини бошқариш ваколатлағи ўтади.

Тугатувчи банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қақриб олинган кундан сўнг икки ой мобайнида кредиторларни аниқлаш ҳамда дебиторлик қарзларини ва Марказий банки мажбурий захира фондида жойлаштирилган маблағларни олиш чораларини қўради. Қўрсатилган маблағлар биринчи навбатда Банкнинг фуқаролар омонатлари бўйича қарзларини тўлашга йўналтирилади.

Банкнинг Марказий банк мажбурий захиралар ҳисобварағида ҳисобда турган маблағлари тугатувчи томонидан банкни тугатиш жараёни бошланганлиги тўғрисидаги тасдиқнома тақдим этилганидан сўнг уч кунлик муддатда Банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси ҳузуридаги Ҳисоб-китоб-касса марказида очиладиган Банкнинг тугатиш ҳисобварағига қайтарилади.

Банкни тугатишда барча кредиторлар ва омонатчиларнинг манфаатлари ҳиммиланади. Кредиторлар ва омонатчилар билан ҳисоб-китоблар яқунлангандан сўнг қолган Банк мулки ягона таъсисчига (акциядорга) берилади.

Банк Марказий банк томонидан Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан қақриб ташланган вақтидан тугатилган деб ҳисобланади.

ХII. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

50. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ушбу Уставга киритиладиган ўзгаришларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши Марказий банк томонидан амалга оширилади. Ушбу Уставга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун Марказий банк томонидан рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан қучга қиради.